



КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИДА ГАРОВ ТАЪМИНОТИНИ БАҲОЛАШ

Исаков Жанабай Якыпбаевич

ТДИУ профессори, и.ф.д. e-mail: 6533583@yandex.ru

Захидова Зулфия Халилulloевна

Тошкент давлат иқтисодийёт университети мустақил изланувчиси

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 2 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss2/a3	Мақолада тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари соҳасидаги техника ва технологияларни кредитлашда гаров таъминотини баҳолаш ёндашувлари, гаров таъминоти орқали кредитлашни амалга оширишда кредит рискларини олдини олиш ва гаров таъминотини баҳолаш амалиётини жорий этиш механизмлари таклиф этилган. <i>кичик бизнес субъектлари, тижорат банк, кредит, гаров таъминоти, баҳолаш, кредит риси, кредит сиёсати, диверсификация.</i>
KEYWORDS	

Кириш

Иқтисодийётнинг аграр секторидаги таркибий ўзгаришлар ва кичик бизнес субъектлари соҳасида техника ва технологияларни ривожлантириш ва кичик бизнес субъектлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда. Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва кичик бизнес субъектлари соҳасида техника ва технологияларни кредитлаш амалиётини янада соддалаштириш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва фоииз ставкаларини оптималлаштириш, Ўзбекистонда “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”га мувофиқ мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишда тижорат банкларининг ўрни ва иштирокини фаоллаштириш, муаммоли кредитларни бартараф этилиши ҳамда ўз навбатида, ва кичик бизнес субъектларида рақобат муҳитини яхшилашга ва молиялаштириш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади. Кичик бизнес субъектларида давом этаётган таркибий ўзгаришлар жараёнида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шакллари кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш уларнинг молиявий барқарор ва самарали ривожланишида асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектлари корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, ушбу йўналишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, агросаноат комплекси учун замонавий ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника ва технология сиёсатини амалга ошириш ҳамда уларни молиялаштириш учун тижорат банк кредитлари асосий ролни бажаради, амалда тижорат банк кредитлари гаров таъминоти сифатида асосан кўчмас мулк, кўчар мулк, молиявий актив, интеллектуал мулк кабиларни баҳолаш ҳам умумий, ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес субъектлари соҳасида техника ва технологияларни молиялаштиришда тижорат банк кредитлари кенг фойдаланилмоқда, ушбу кредитларни таъминоти мақсадида гаров сифатида баҳолаш амалиётлари ҳам ўзаро фарқ қилувчи механизмларга эга ҳисобланади. Юқоридагилар асосида куйида

тижорат банк кредит мақсадларида кичик бизнес субъектларини гаров сифатида баҳолаш хусусидаги механизмларига тўхталиб ўтамиз.

Мавзуга онд адабиётлар таҳлили


Тижорат банклари амалиётида кичик бизнес субъектларида техника ва технологияларни кредитлашни гаровга олган ҳолда кредит бериш амалиётини баҳолаш масалаларини кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Хусусан, иқтисодчи олим Алексей Владимирович Ильин асарларида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ер майдонларини гаров сифатида тақдим этиш жараёни ва ундан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар ҳамда келажақда мазкур йўналишда туртки берадиган асосий йўналишлар тадқиқ этилган. Мазкур жараёнда эса тадқиқотчи кичик бизнес субъектлари соҳасидаги ер майдонларини баҳолаб гаровга қўйиш босқичларини ҳам худди ипотека кредитлаш амалиёти каби қонунчиликда белгиланган тартибда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди [1].

Гаров воситаларидан фойдаланиш қарз берувчи ва қарз олувчи муносабатларида янги ҳавотирларни тугдирди, уларнинг дефолт рисига якуний таъсири аниқ белгиланмаганлигидир (Jose, 2018). Агар тижорат банкларида кредит олган хўжалик юритувчи субъект кредитни ўз вақтида қайтара олмаса гаровга қўйган таъминотдан маҳрум бўлиши мумкин ҳамда ўз навбатида тижорат банклари учун кредит риси ошиб кетади [2].

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредит таъминоти рисининг хавфсиз даражасини таъминлаш мақсадида кредит олувчи хўжалик юритувчи субъектлари ёки юридик шахс турли шаклдаги мол-мулкларини гаров таъминоти сифатида тижорат банкларида тақдим этади. Умумий ҳолда тижорат банк кредити бўйича гаров таъминотини баҳолаш жараёнида учта томон иштирок этади ва улар банк, баҳоловчи ташкилотлари ва кредит олувчилардир (Абдикаримова, 2018). Бу жараёнда гаров таъминоти асосан дастлаб кредит бериш жараёнида қараб чиқилади [3].

О.Ястребова ва А.Субботинларнинг тадқиқотларига кўра, кичик бизнес субъектларининг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги ва тўловга қобилият даражасининг паст эканлиги уларнинг кредит муассасаларининг молиявий хизматларидан, шу жумладан,



1-расм. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида муаммоли кредитларнинг жами ажратилган кредитлардаги салмоғи [10], фоизда

микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади [4].

Фикримизча, юқоридаги хулоса Ўзбекистон амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Республикада кичик бизнес субъектлари корхоналари ва фермер хўжалиқларининг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги ва тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги уларни банкларнинг молиявий хизматларидан ва микромолиявий хизматларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Профессор Н.Фигуровскаянинг тадқиқотига кўра, кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарувчиларини микромолиялаш жараёни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши лозим. Бунда асосий эътибор давлат бюджетидан ресурслар ажратиш ва бонификацияга қаратилиши керак [5].

Фикримизча, Н.Фигуровскаянинг фикрича кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарувчиларининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги давлатнинг ушбу жараёнга аралашувини зарурий ҳолатга айлантиради.

Кичик бизнес субъектлари маҳсулотлари ва тармоққа етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар нархлари ўсиши ўртасидаги диспаратетнинг кучайиб борганлиги, давлат харид нархларининг пастлиги оқибатида аграр секторда ишлаб чиқариш рентабеллиги ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан сезиларли даражада орта қолмоқда [6].

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида кичик бизнес субъектлари маҳсулотлари етиштиришнинг кластер усули фаол амалга оширилмоқда. Мазкур ҳолатлар эса кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини гаров таъминоти сифатида баҳолаш заруриятини юзага келтирганлиги сабабли, ушбу мақолада бу йўналишдаги муаммоли ҳолатлар ва уларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратамиз.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот давомида монографик тадқиқот усули орқали кичик бизнес субъектлари соҳасида техника ва технологияларни молиялаштиришда амалга ошириладиган лойиҳаларни тижорат банк кредитларининг гаров таъминотини баҳолаш механизмлари тадқиқ қилинди. Шунингдек, иқтисодий- статистик усул ёрдамида кичик бизнес субъектлари соҳасида маҳсулотларни тижорат банк кредитлари бўйича гаровга қўйишда баҳолаш механизмлари тақлиф қилинган ва харажат ёндашуви бўйича методикалар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Кичик бизнес субъектлари соҳасида техника ва технологияларни молиялаштиришда, тижорат банклари ажратилган кредитларни муддатида қайтарилишига ва муаммоли кредитларни имкон қадар қамайтиришга ҳаракат қилиши зарур. Чунки тижорат банклари кредитларни ўз маблағларидан эмас, балки ўз кредиторларининг, яъни омонатчилари ва бошқа манфаатдор томонларнинг маблағлари ҳисобидан кредит ажратади. Шу сабабли, тижорат банклари ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ижро этиши қутиладиган рискларни қанчалик даражада муваффақиятли баҳолашига боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда кичик бизнес субъектлари соҳасида техника ва технологияларни тижорат банклари томонидан кредитлашда муаммоли кредитларнинг келиб чиқиши фақатгина кредит рискига боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Зеро, валюта rischi, бозор rischi, фойз ставкаларининг ўзгариши rischi ва бошқа қатор рискларининг мавжудлиги ҳамда уларни тўғри баҳолаш оқибатли муаммоли кредитларнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатади. Муаммоли кредитларнинг иқтисодий мазмунини тадқиқ этишда кредит рискларининг ўрни ва таъсири асос сифатида иштирок этади.

2021 йилда иқтисодиётда кузатишга мураккаб шароитларга қарамай, тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиги йил бошига нисбатан 34,3 фоизга ёки мамлакат ЯИМ номинал ўсишига нисбатан 2,5 баробар юқори суръатларда ўсиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига 280,4 трлн. сўмга етди. Хусусан, юридик шахсларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиги 1,3 баробарга ёки 56,7 трлн. сўмга (жами 222,5 трлн. сўм), жисмоний шахсларга ажратилган кредит қўйилмалари эса қарийб 1,4 баробарга ёки 15 трлн. сўмга (жами 54,9 трлн. сўм) ўсганлигини кўришимиз мумкин [10].

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг реал сектори соҳасини молиялаштиришда тижорат банкларининг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Бирок, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир қанча қийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорат банкларини даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредитлар орасида муаммоли кредитларнинг салмоғи юқори бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йил 14 июлдаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 2696-сонли Низомига муаммоли кредит деганда сифати «қоникарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» кредитлар тушунилади.

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларда муаммоли кредитларнинг улуши 2012-2017 йилларда мунтазам равишда пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. 2012 йилда эса жами кредитларнинг 3,06 фоизи муаммоли кредитлар бўлган бўлса, кейинги йилларда кескин пасайиш ҳолати кузатишга. 2017 йилга келиб 0,74 фоизни ташкил этган. Аммо 2018 йилга келиб 1,2 фоизга етган ва олдинги йилга нисбатан 0,5 ф.п.га ошган. 2019 йилга келиб эса 0,08 ф.п.га ошиб, 1,28 фоизни ташкил этган. Агарда банк кредит қўйилмаларининг охириги йиллардаги кескин ўсиш суръатларини ва кредитларнинг ҳажмини инобатга оладиган бўлсак, бу банк тизими учун салбий ҳолати ҳисобланади (1-расм).

Келгусида тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш ўсиш суръатларининг юқори даражада сақланиб қолиши, кишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан бирга банк тизими

1-жадвал

Кредитнинг асосий суммаси ва ҳисобланган фоиз тўловларининг
синфлар бўйича таснифлаши

Синф	Шартлари
1-синф	Кичик бизнес субъектларида барча кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини тушумлар ҳисобидан 6 ой ичида сўндиради.
2-синф	Кичик бизнес субъектларида <u>барча кредит ва фоиз суммасини</u> <u>тўлашга 9 ой кетади.</u>
3-синф	Кичик бизнес субъектларида кредит билан боғлиқ барча тўловларни амалга ошириш учун 1 йил тушумларни йўналтириши лозим бўлади.

Манба: Муаллиф томонидан шакллантирилган.

барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи хатарларни ҳам юзага келтирмоқда.

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг гаров таъминоти муаммоли кредитни қоплашнинг энг сўнгги чораси сифатида қаралганда, ундан фойдаланиб муаммоли кредит, ўз вақтида тўланмаган кредит бўйича ҳисобланган фоиз суммаси ундирилади. Бугунги кунда тижорат банклари муаммоли кредитни қоплашни таъминот турига қаратганда судга мурожат қилади. Суд қарорига асосан гаров таъминотидан фойдаланилади. Гаровга олувчининг (хўжалик юритувчи субъектнинг) талабларини қондириш учун ундирувчи қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятини ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин. Суд қарорига асосан кредит гаров таъминоти ҳисобидан қопланиши белгиланса, электрон онлайн-аукцион шаклидаги очик кимовиди савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

Муаммоли кредитларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Жаҳон банки маълумотларига кўра, банкларнинг муаммоли кредитларини юзага келишида ички омиллар 67 фоиз йўқотишларга сабаб бўлади. Бу кўрсаткич ташки омиллар бўйича бор йўғи 33 фоизни ташкил этади. Ички омилларга таъминотнинг етишмаслиги 22 фоизни, ссуда буюртмасини ўрганишда ахборотнинг нотўғри баҳолалиши 21 фоизни, операция назоратининг заифлиги, ҳамда дастлабки оғоҳлантирувчи белгиларни ўз вақтида аниқланмаслиги ва улар юзасидан тегишли чораларнинг кўрмаслиги 18 фоизни, гаров таъминоти сифатининг пастлиги 5 фоизни, шартномада кўрсатилган таъминотни олиш имкониятининг йўқлиги 1 фоизни ташкил этган. Ташки омилларга эса компаниянинг банкрот бўлиши 12 фоизни, корхона молиявий назоратининг кучсизлиги 11 фоизни, компаниянинг бозорда ўз ўрнини йўқотиши ва ички ижтимоий муаммолар 6 фоизни, ўғирлик, муттаҳамлик 4 фоизни жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра ташкил этган [11].

Гаров банк кредитининг асосий таъминоти сифатида кредит таваккалчилигини пасайтириш ва банкка кредит бериш учун асос бўлиб хизмат қилади. Албатта, бу ўз-ўзидан банк гаров таъминотини баҳолаш заруриятини келтириб чиқаради. Эътироф этиш жоизки, бу борада хорижий мамлакатларда узоқ йиллар давомида етарли тажриба, усул ва тамойиллар шаклланган. Масалан, Россия банкларида гаров таъминотини баҳолаш амалиёти икки босқичда амалга оширилади:

1-босқич. Гаров объектнинг бозор қийматини аниқлаш. Гаров таъминотининг бозор қийматини аниқлаш кредит шартномаси тузиладиган пайтда амалга оширилади.

2-босқич. Гаров объектларининг таъминот сифатидаги қийматини аниқлаш. Гаров қийматини аниқлаш гаров мулкнинг ликвидлиги, гаров дисконтлари, таваккалчиликлар ва бошқа бир қанча омиллар таъсирини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Россия қонунчилигида гаров қиймати тўғрисида аниқ кўрсатма берилмаган, шу сабабли Россия банкларида гаров қийматини аниқлашда банкларнинг ички тартиблари ва мустақил баҳоловчи компанияларнинг кўрсатмаларига асосланилади. Бунда асосий стратегия рискдан қочиш ва рискларни бошқариш ҳисобланади.

Халқаро амалиётда банк кредитлари бўйича айланмадаги товарларни гаровга қўйиш кенг қўлланилади. Бундай ҳолатда компанияга товарларни сотиш бўйича чегара (санкция) жорий этилмаган бўлиши ҳамда корхона мустақил равишда товар, хом ашё, материаллар ва бошқа активларини сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур. Банк кредити бўйича компания товарларни гаровга қўйишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, компания томонидан сотилган товар ёки актив учун тўлов ҳақи келиб тушмаган бўлса, гаров рўйхатидан чиқарилади, сотиб олганлари эса ушбу

товарларга компаниянинг эгалик ҳуқуқи берилган пайтдан бошлаб банк гарови сифатида қаралади. Бу жараёнда шундай шарт сакланиши зарурки, компания ихтиёридаги товар кредит шартномасида кўзда тутилган гаров суммасидан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, ликвидлиги кўзда тутилган даражадан ўзгармаслиги, яъни пасаймаслиги лозим.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Одатда банклар томонидан берилган кредитни гаров таъминоти ҳисобидан қоплашга манфаатдор эмаслар. Шу боис, берилган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларни пул тушумлари ҳисобидан сўндиришни маъқул кўради. Бунинг учун банк кредитнинг асосий суммаси ва ҳисобланган фоиз тўловларининг муддати етиб келганда уни тўлаш нуктаи назаридан қуйидаги класслар бўйича таснифлашни таклиф қиламиз (1-жадвал).

Масалан, кичик бизнес субъектларида маблагнинг 70 фоизи асосий воситаларга жойлаштирилади, савдо-сотиқ билан шугулланадиган корхоналарда ушбу активлар бор йўғи 10-15 фоизни ташкил этади. Шунинг учун ҳар бир алоҳида олинган корхона бўйича гаров тури ва уларни баҳолаш тартиби банк ҳамда кредит олувчи ўртасида келишилади.

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари қисқа муддатли кредитлар учун хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни гаровга кўпроқ қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Қисқа муддатга берилаётган кредитларнинг гаров таъминоти сифатида қўчмас мулкларни олиш маъқул эмас, қўчмас мулклар асосан, узоқ муддатли кредитларнинг гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

Савдо ва ишлаб чиқариш воситалари, техника, автотранспорт, инвентар ва бошқа ускуналар кредитларнинг гаров таъминоти сифатида олинганда, уларнинг баҳоси иккиламчи бозорда сотиладиган жиҳозларни ўрганиш орқали аниқланади. Бунда асосий эътибор жиҳозларнинг ликвид қийматига қаратилади. Жиҳозларнинг ликвид қиймати - бу ушбу буюмларни қисқа давр ичида сотиш мумкин бўлган баҳосидир. Одатда жиҳозларнинг ликвид баҳоси бозор баҳосидан 10-30 фоиз паст бўлади. Бундан ташқари, гаров таъминотини сотиш вақтида юз бериши мумкин бўлган баҳоси тўғридан-тўғри харажат усули орқали аниқланади. Шу бўйича банк кредит бўйича гаров таъминотининг баҳоси аниқланади, одатда ушбу баҳо жорий баҳонинг 50-60 фоизини ташкил этади.

Кредит олувчи юқоридаги синфларнинг биттасига тўғри келса, банк кредит шартномасини тузиш бўйича тегишли ишларни бошлайди. Банк кредит бўйича қабул қилаётган гаров тури кредит олаётган кишлоқ хўжалигининг фаолият йўналиши билан бевосита боғлиқ бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Кичик бизнес субъектларини кредитлашда гаров таъминотини баҳолаш механизми юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, қуйидаги илмий-назарий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини етиштирувчи хусусий сектор вакиллари учун келгуси ҳосилни гаровга қўйиш орқали кредитлаш амалиётини ҳосилни етиштириш билан боғлиқ даврийлик асосида босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

- Шундан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес субъектлари маҳсулотлар етиштирувчилар учун келгуси ҳосилни гаровга қўйиш орқали кредитлаш амалиётини ҳосилни етиштириш билан боғлиқ даврийлик асосида босқичма-босқич амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Reference:

1. Залог земель сельскохозяйственного назначения: Ильин, Алексей Владимирович/ кандидат юридических наук. Диссертация. – М.: 2007. – 122 с.
2. Jose A. Castillo, Andrés Mora-Valencia, Javier Perote. Moral hazard and default risk of SMEs with collateralized loans // Finance Research Letters 26 (2018) 95–99 www.elsevier.com/locate/frl
3. Абдикаримова Д.Р. «Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари» PhD илмий даражаси олиш учун ёзган диссертация автореферати. –Т.: 2018, 61 бет.
4. Ястребова О., Субботин А. Рынок сельскохозяйственного кредита//Вопросы экономики. – Москва, 2005. – №6. – С. 25.
5. Фигуровская Н. Современное состояние сельского хозяйства требует результативных действий государства//Экономист. – Москва, 2009. – №8. – С. 43.
6. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти).
7. www.worldbank.org расмий веб-сайт маълумотлари.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 149-сонли қарори. www.lex.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги “Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 149-сон қарори. www.lex.uz.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони. www.lex.uz.